


TURIZM SOHASINI RIVOJLANTIRISHDA

XORIJIY TAJRIBA VA INNOVATSION YONDASHUVLAR

Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya



TO'PLAMI



**TURIZM SOHASINI RIVOJLANTIRISHDA XORIJIY
TAJRIBA VA INNOVATSION YONDASHUVLAR**

**FOREIGN EXPERIENCE AND INNOVATIVE APPROACHES
IN TOURISM DEVELOPMENT** **ПОДДЕРЖКА МОЛОДЕЖИ**

**ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ И ИННОВАЦИОННЫЕ
ПОДХОДЫ В РАЗВИТИИ ТУРИЗМА**

Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyasi maqolalar to'plami



Qo'qon - 2025

"O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida" O'zbekiston Respublika Prezidentining 5847-sonli Farmonida ko'zda tutilgan vazifalardan biri – ilmiy izlanish yutuklarini amaliyotga joriy etish yo'li bilan fan sohalarini rivojlantirish, ya'ni xalqaro ilmiy hamjamiyatda e'tirof etilishiga xizmat qilishdir. Shu va boshqa tegishli farmonlarda va qarorlarda belgilangan vazifalarini amalga oshirish maqsadida 2025 yil **11- aprel** kuni Qo'qon universiteti "Ilmiy tadqiqotlar" departamenti **"Turizm sohasini rivojlantirishda xorijiy tajriba va innovatsion yondashuvlar"** mavzusidagi xalqaro miqyosida o'tkaziladigan ilmiy-amaliy konferensiyasi maqolalar to'plamini e'lon qiladi.

**MAS'UL MUHARRIR**

Zahidov G'ofurjon Erkinovich – iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent

TAHRIRIYAT HAY'ATI

Qobilova Zebo– filologiya fanlari doktori, professor;

G'ulomov Saidasror – iqtisodiyot fanlari doktori, akademik;

Mahmudov Nosir – iqtisodiyot fanlari doktori, professor;

Qambarov Jamoliddin - iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent;

Rasulov Hamidjon- Xalqaro turizm va iqtisodiyot kafedrasini mudiri;

G'ofurov Xurshid – Qo'qon universiteti, Akademik ishlar departamenti boshlig'i;

Xursanaliyev Boburmurod - Qo'qon universiteti, Ilmiy tadqiqotlar departamenti boshlig'i;

Texnik muharrirlar – Yormonqulova Nargizaxon, Mo'minova Kanizaxon, G'ulomqodirova

Ma'muraxon, Umarov Tohirjon, Solidjonov Dilyorjon.



"Turizm sohasini rivojlantirishda xorijiy tajriba va innovatsion yondashuvlar" xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyasi to'plami. Qo'qon universiteti, 2025 yil 11 aprel, - «Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi» 2025.

© Matn. Mualliflar, 2025.

© Qo'qon universiteti, 2025.

© «Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi», original maket, 2025.

2. Ўзбекистон Республикасининг "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги ЎРҚ-819-сон Қонуни, 27.02.2023 й

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолини сифатли истеъмол товарлари билан таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-110-сон қарори, 04.04.2023 й.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-181-сон қарори, 02.06.2023 й.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги давлат бошқарувини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-41-сон фармони, 27.02.2024 й

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Маҳсулотларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва мувофиқликни баҳолаш тартибларига оид низомларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 502-сон қарори, 14.08.2024 й.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида маҳсулот ва хизматларни ихтиёрий экологик маркировкалаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 20-сон қарори, 20.01.2025 й

8. Президент Ш.М. Мирзиёевнинг 2024 йил 16 апрел куни Тўқимачилик соҳасида экспорт ва инвестиция ҳажмларини ошириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказган видеоселлекторда сўзлаган нутқидан. 16.04.2024 й. URL: <https://president.uz/uz/lists/view/7168>

9. Al-Dhaafri, H. S., & Alosani, M. S. Impact of total quality management, organisational excellence and entrepreneurial orientation on organisational performance: empirical evidence from the public sector in UAE. *Benchmarking: An International Journal*, 27 (9), 2020. – pp. 2497–2519.

10. Borazon, E. Q., Liu, J. M., & Santamaria, J. G. O. Antecedents of quality performance in the Philippine micro, small, and medium hospitality sector. *Asia Pacific Business Review*, 27 (4), 2021. – pp. 559–582

11. Kafetzopoulos, D., Gotzamani, K., & Vouzas, F. (2021). Management innovation, drivers and outcomes: the moderating role of organisational size. *International Journal of Innovation Management*, 25 (2) <https://doi.org/10.1142/S1363919621500213>

12. Liu, H. M., Wu, S., Zhong, C. W., & Liu, Y. An empirical exploration of quality management practices and firm performance from Chinese manufacturing industry. *Total Quality Management & Business Excellence*, 32 (15–16), 2021. – pp. 1694–1712

13. Sahoo, S. Process quality management and operational performance: exploring the role of learning and development orientation. *International Journal of Quality & Reliability Management*, 39 (5), 2021. – pp. 1190–1208

14. Saleh, R. A., Sweis, R. J., Saleh, F. I. M. Investigating the impact of hard total quality management practices on operational performance in manufacturing organizations: Evidence from Jordan. *Benchmarking - An International Journal*, 25 (7), 2018. – pp. 2040–2064

Қурғоқчил ҳудудлар агробизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш Қозоғистон давлатининг тажрибалар

Teshayev Mirolim Djumayevich,
Buxoro davlat universiteti, mustaqil izlanuvchi

Қозоғистон тажрибасини ўрганиш ҳақиқатдан ҳам мамлакатимиз учун долзарб, чунки икки давлат табиий иқлим шароити, сув ресурслари тақчиллиги ва қурғоқчил ҳудудларда қишлоқ хўжалигини ташкил этишда ўхшаш муаммоларга эга.

Қозоғистоннинг умумий ер майдони 272,5 млн гектарни ташкил этади, шундан 82% (225 млн га) қишлоқ хўжалиги учун яроқли ҳисобланади. Бироқ ерларнинг катта қисми (50% дан кўпроғи) қурғоқчил ва ярим қурғоқчил ҳудудларда жойлашган. Сув ресурслари тақчиллиги ва иқлим ўзгариши оқибатида суғориладиган ерлар (1,5–1,6 млн гектар) майдони

чекланган. Шу сабабли мамлакатда қурғоқчиликка чидамли экин турлари ва самарали сув тежамкор технологияларга талаб юқори²¹.

Қозоғистонда асосий тармоқ дончилик. Мамлакат умумий жами 21 млн гектардан ортиқ майдонда дон экинлари етиштириб, бунинг 70% дан кўпроғини қурғоқчил ҳудудлар ташкил қилади. Хусусан, жавдар, арпа, тарик ва нўхат қурғоқчиликка чидамли экинлар сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, чорвачилик (айниқса, қўйчилик ва қорамолчилик) ҳам қурғоқчил ҳудудларнинг табиий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда йўлга қўйилган.

Қурғоқчил ерларда асосий йўналиш ғаллачилик ва чорвачиликка боғлиқ бўлиб, айниса нон маҳсулотлари учун қишлоқ хўжалиги барқарорлиги муҳим ҳисобланади. Шу билан бирга, Қозоғистонда майдонларнинг катта қисмида нолли оралиқ ер ҳайдаш (no-till) технологиялари жорий қилинган. Ҳозирги кунда бу усул 2 миллион гектардан ортиқ ерда самарали қўлланилмоқда ва у тупроқдаги намликни сақлаш ҳамда ҳосилдорликни узоқ муддатда барқарорлаштириш имконини бермоқда. Бундан ташқари, 2020 йилдан буён томчилатиб суғориш ва дронлар орқали ерга ишлов бериш каби замонавий технологиялар 300 минг гектардан кўпроқ майдонда қўлланилгани қайд этилмоқда.

Шунингдек, Қозоғистон Ғаллачилик институти қурғоқчиликка чидамли уруғлар селекциясида муҳим натижаларга эришган. Охириги йилларда 30 дан ортиқ янги навлар яратилган бўлиб, уларнинг 40 фоизи экспортбоп ҳисобланади²². Бу эса мамлакат агробизнесида қўшимча қиймат яратиш ва халқаро бозорда рақобатбардошликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Давлат томонидан иқтисодий рағбатлантириш механизмлари ҳам кенг қўлланилмоқда. Хусусан, қурғоқчиликка чидамли уруғлардан фойдаланган фермерларга субсидиялар, техника ва технология хариди учун имтиёзли кредитлар, шунингдек, суғориш тизимларини жорий этишда грантлар тақдим этилмоқда.

Шу орқали фермерлар инновацион усулларга кенг миқёсда ўтиши учун зарур шароит яратилмоқда. Мисол учун элита ва биринчи репродукция уруғлари учун харажатнинг 70% гача давлат томонидан қопланади. Суғориш технологиялари учун грантлар ажратилади. Хусусан, томчилатиб суғориш ёки сув тежамкор тизим жорий этса, харажатнинг 50% давлат томонидан қайтариб берилади. Ундан ташқари имтиёзли кредитлар орқали қишлоқ хўжалиги тадбиркорларига йиллик 6% ставка билан 7 йилгача кредит ажратилади. Энг асосийси суғурта тизими бўлиб, қурғоқчиликдан кўрилган зарарнинг 50% гача давлат компенсация қилади.

Давлат томонидан иқтисодий рағбатлантириш механизмлари ҳам кенг қўлланилмоқда. Хусусан, қурғоқчиликка чидамли уруғлардан фойдаланган фермерларга субсидиялар, техника ва технология хариди учун имтиёзли кредитлар, шунингдек, суғориш тизимларини жорий этишда грантлар тақдим этилмоқда. Шу орқали фермерлар инновацион усулларга кенг миқёсда ўтиши учун зарур шароит яратилмоқда.

Қозоғистон ҳукумати 2025 йилда қишлоқ хўжалиги соҳаси учун катта маблағ ажратди. Хусусан 700 миллиард тенге имтиёзли кредитлар учун ва 250 миллиард тенге фермерлар учун техника лизинги тизимини қўллаб-қувватлаш учун ажратилди. Бу маблағлар 5% йиллик фоиз ставкасида ажратилади. Бу қурғоқчилик шароитида агробизнес субсидияси сифатида катта аҳамиятга эга бўлган режалаштирилган маблағдир²³.

Ундан ташқари аграр тадбиркорлар учун ҳукумат "Damu" фонди орқали 85% гача ҳажмда кредит кафолатларини тақдим этди²⁴.

Мамлакатимиз учун Қозоғистон тажрибасидан олиш мумкин бўлган жиҳатлар кўп. Хусусан, қурғоқчил ҳудудларда нолли оралиқ ер ҳайдаш усулини жорий қилиш, қурғоқчиликка чидамли уруғ навларини яратиш ва уларни кенг тарқатиш, шунингдек, дронлар ва рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш мамлакатимиз аграр салоҳиятини

²¹ https://cawater-info.net/bk/land_law/files/kz-land2023.pdf

²² https://barayev.kz/o_centre/9-npczh-i-a-i-barayev.html

²³ Sowing Campaign 2025: On-Time Completion, Crop Diversification, and Systemic Support for Farmers. <https://primeminister.kz/en/news/reviews>

²⁴ Шу манба.

оширишда муҳим ўрин тутати. Давлат томонидан иқтисодий рағбатлантириш воситалари - субсидиялар, грантлар ва имтиёзли кредитлар эса қишлоқ хўжалиги тадбиркорлари фаолиятини барқарор ва самарали йўналтириш имконини беради.

Бухоро, Қашқадарё ва Қорақалпоғистон каби қурғоқчил ҳудудларда Исроил тажрибасида асосида аграр тадбиркорлар учун айрим кафолатли кредитлар ва субсидиялар тизимини шакллантириш, шунингдек илмий-амалий даражада тараққий этган молиявий моделларни ўзлаштириш имкониятини тақдим этади.

Селекция институтларининг технологик сарфлари учун мақсадли солиқ стимуллари (tax offset) жорий этиш, қурғоқчиликка чидамли экин навларини яратиш учун махсус грант дастурлари (FDF аналоглари) ташкил этиш, ген банк ва селекция муҳитини ривожлантириш, маҳаллий экинларга асосланган инновацион агробизнесни қўллаб-қувватлаш (Австралия тажрибаси) ўзининг ижобий самарасини бериш мумкин.

Қурғоқчил ҳудудларда аграр тадбиркорликни ривожлантириш масаласи жаҳон тажрибасида алоҳида аҳамият касб этади. Тадқиқотлар давомида ўрганилган Австралия, Исроил ва Қозоғистон мисолида бу йўналишда давлат сиёсати, инновация ва молиявий рағбатлантириш усулларининг турли моделлари шаклланганини кўриш мумкин.

Шу уч давлат тажрибаларини қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, қурғоқчил ҳудудларда аграр тадбиркорлик ривожланиши фақат агротехника ёки молиявий чоралар билан чекланиб қолмасдан, инновация, давлат сиёсати ва бозор механизмлари уйғунлигида самарали бўлади. Австралия ва Исроил тажрибасида илмий-технологик ёндашув устувор бўлса, Қозоғистонда молиявий рағбатлантириш тизими алоҳида аҳамият касб этади.

Илмий хулоса сифатида айтиш мумкинки, қурғоқчил ҳудудларда аграр тадбиркорликнинг ривожланиши озиқ-овқат хавфсизлиги, қишлоқ аҳолиси бандлиги ва табиий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлашнинг энг муҳим омилдир. Хорижий тажрибалар шуни кўрсатадики, бундай шароитда сув ресурсларини оқилона бошқариш, инновацион агротехнологияларни жорий қилиш, давлат томонидан молиявий ва институционал қўмакни кучайтириш агробизнеснинг барқарор ривожланиши учун замин яратади.

ҲУДУДИЙ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ВА КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИНИНГ ЎЗARO БОҒЛИҚЛИГИНИ АНИҚЛАШ: ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА ЭКОНОМЕТРИК ТАДҚИҚОТ

Холбеков Шохсувор Очилович - Қарши давлат техника университети олий математика
кафедраси катта ўқитувчиси
shoxsuvorxolbekov@gmail.com

Ҳудудий иқтисодий ривожланиш мамлакат барқарор ўсишининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, аҳоли турмуш даражаси ва ижтимоий фаровонлиқнинг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Камбағаллик муаммоси эса иқтисодий сиёсат самарадорлигининг мезони сифатида кўрилмоқда.

Қашқадарё вилояти Ўзбекистоннинг индустриал ва аграр салоҳияти юқори бўлган ҳудудларидан бири бўлиб, охириги йилларда иқтисодий ўсиш суръатлари барқарор бўлса-да, аҳоли даромадлари ва камбағаллик даражаси ўртасидаги тафовут сақланиб қолмоқда.

Шу боисдан, иқтисодий ривожланишнинг камбағалликка таъсирини аниқлаш ва уларнинг ўзаро муносабатини илмий-амалий жиҳатдан баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон амалиётида иқтисодий ўсиш ва камбағаллик ўртасидаги боғлиқликни С. Кузнец (1955) ўзининг "инвертланган U шакли модели"да назарий жиҳатдан асослаб берган. Унинг фикрича, иқтисодий ўсишнинг дастлабки босқичида даромад тенгсизлиги ортади, кейинчалик эса камаяди.

Т. Пикетти (2014) капиталнинг номувофиқ тақсимланиши ижтимоий тенгсизликни кучайтиради, деб таъкидлайди.

Ўзбекистонда бу масала бўйича Р. Алимов, Н. Ниёзметова, Д. Раҳимовлар томонидан